



## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ЖАРАЁНЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Хожиев Мехридин Сулаймонович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Аудит" кафедраси профессори, PhD,

Тошкент, Ўзбекистон. email: dj.msx@mail.ru,

ORCID: 0000-0002-0968-5726

## IMPROVING ACCOUNTING OF THE PROCESSES OF ORGANIZATION AND TERMINATION OF NON-STATE NON-PROFIT ORGANIZATIONS

**Khojiyev Mexriddin Sulaymonovich**

PhD, Professor of the "Audit" Department of Tashkent State University of Economics,

Tashkent, Uzbekistan. email: dj.msx@mail.ru,

ORCID: 0000-0002-0968-5726

### **JELClassification: F26 G12**

**Аннотация.** Уибу мақоламизда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг мақсади, вазифалари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиши ва тугатиш жараёнлари билан боғлиқ операциялар ҳисобини юритиш муаммолари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)ни ташкил этишида молиялаштириши манбалари ва мулкларини шаклланиши ҳисобининг хусусиятлари, тугатииш жараённада ўз ихтиёрида қолган мулкларни бошқа ННТга берини ҳисобини такомиллаштириши, ННТларнинг филиал ва шўъба ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари юзасидан тегишилича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда мавзу юзасидан хуносалар келтириб ўтилган.

Бу эса ўз навбатида нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) активлар ва мажбуриятлари ҳисобини такомиллаштиришида бухгалтерия хизмати ходимлари вазифалари ҳамда

тегишили бўлинма масъулларининг норматив ҳужжатларга мос, интизомли иш фаолиятини соддалаштириши имкониятини яратади. Шу билан бир қаторда, мақолада ННТлар фаолиятини ташкил этиши ва тугатиш жараёнлари билан боғлиқ операциялар ҳисоби маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан қилинган таҳлиллари ўрганиб чиқилди ва таърифлари асосида алоҳида муаллифлик қарашлари ҳамда илмий ёндошувлари кенг очиб берилган.

Бугунги кунда Республика мизад етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) қаторига Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон маҳалла фуқаролар йиғинлари, Суғурталовчи ташкилотлар ўюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиши мумкин. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат

мақомдаги халқаро донорлик ва аҳолига беғараз ёрдам кўрсатувчи меҳр мурувват ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқарии органлари – маҳаллалар сони 13 мингдан ортиқни ташкил этади. Шу ўринда, мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жасамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятинининг жадал шакланиши ва ривожланishi даври бўлмоқда. ННТларнинг молиявий мустаҳкамлиги малакатмизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида ўзининг нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришии долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Abstract:** This article discusses the purpose and objectives of accounting in non-state non-profit organizations (NSNPOs), as well as the problems of accounting for transactions related to the processes of organizing and liquidating their activities. Also, appropriate proposals and recommendations were developed on the characteristics of accounting for sources of financing and the formation of property when establishing non-state non-profit organizations (NSNPOs) in Uzbekistan, improving the accounting for the transfer of property remaining at their disposal to other NSNPOs during the liquidation process, and the specific features of settlements with branch and subsidiary organizations of NSNPOs, and conclusions were drawn on the topic.

This, in turn, creates an opportunity to simplify the tasks of accounting service employees and the heads of relevant departments in order to improve the accounting of assets and liabilities of NSNPOs. At the same time, the article examines the analysis of accounting transactions related to the processes of

organizing and liquidating NSNPOs by domestic and foreign scholars, and based on their definitions, individual authorial views and scientific approaches are widely disclosed.

At the same time, the leading non-state non-profit organizations (NSNPOs) in our republic include the National Association of Non-state Non-Profit Organizations of Uzbekistan, Political Parties of the Republic of Uzbekistan, National Association of Accountants and Auditors of Uzbekistan, Chamber of Auditors of Uzbekistan, Mahalla Citizens' Assemblies of Uzbekistan, Association of Insurance Organizations, Society of Disabled People of Uzbekistan, Chamber of Advocates of the Republic of Uzbekistan and other public organizations. In addition, there are more than 13,000 non-state non-profit international charitable organizations and self-governing bodies that provide voluntary assistance to the population. At this point, there is a period of rapid formation and development of activities of various civil society institutions, non-state non-profit organizations, which support the broad strata of the population of our country. The financial stability of NSNPOs is one of the most urgent issues to strengthen our country's reputation among the developed countries of the world.

**Калим сўзлар:** Нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ), тижорат ташкилот, актив, мол-мулк, бухгалтерия ҳисоби, асосий восита, ТМЗ, пул маблағлари мақсадли тушиум, грандлар, беғараз ёрдам маблағлари, молиявий ҳисобом.

**Key words:** Non-state non-profit organizations (NSNPOs), commercial organization, asset, property, fixed assets, inventories, accounting, targeted cash receipts, grants, non-discriminatory assistance funds, financial reporting.

**Кириш.** Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2025 йил фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлиги ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгаришишлардаги фаоллигини ошириш бўйича амалга ошириладиган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари олдига муҳим вазифалар қўйилган.

Шу ўринда, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгаришишлардаги фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз мол-мулкига эга бўлиши, яъни активлари ҳисобини юритиш ва уларнинг ишлатилиши, мавжудлиги, сақланишини, шунингдек, тугатиш жараёнида мулкларни ҳисобдан чиқарилиши муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий аҳборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантиришда давлат дастурларида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) сонини камида 80 тага етказиш вазифаларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш лозим [1].

**Материал ва метод.** Бугунги кунга қадар йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида дастлабки фаолияти ташкил этиш ва тугатиш жараёни бухгалтерия ҳисоби масалаларига норматив-хуқуқий

хужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Хорижий иқтисодчи олим Л.В Гусарованинг фикрича, нотижорат ташкилотининг устав ва тадбиркорлик фаолиятининг концептуал асосларини аниқлаштириш асосида фаолият турлари ҳамда молиялаштириш манбаларининг таҳлилий ҳисоби ва оператив назоратини ташкил этиш муҳим ҳисобланади [5]. Шу билан бирга М.В. Батурина, П.Ю. Гамольскийлар нотижорат секторидаги тор доирадаги йўналишларда тадқиқот масалалари - нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит қилиш методологиясини шакллантириш муҳим вазифалар сифатида эътироф этган [6].

Бошқа бир груп иқтисодчи олимларимиз хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисботларини тузиш ҳам уларда қўлланиладиган ҳисоб усуллари юзасидан илмий таҳлил қилиб ўз фикрларини таъкидлаб ўтишган. Республикаимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кенг тараққий этмаганлиги ва нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимларимиз илмий асарларида ННТларни ташкил этиш ҳисоби етарли даражада ёритилмаган. Аммо, мамлакатимизда умумий бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларининг муаммолари, шу жумладан ННТнинг айрим умумий бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари тўғрисида А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, М.Қ.Пардаев, Н.Ю. Жўраев, К.Б.Ўразов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Ҳайдаров каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган [9].

Юқорида таъкидланган фикрлардан

кўриниб турибдики, иқтисодчи олимларнинг фикрларига асосан ННТларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳисоби моҳияти ва уларни қўллаш мақсадлари ёритилган. Бироқ, ННТларни ташкил этиш ва тугатиш жараёнлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва уларнинг натижаларини молиявий ҳисоботларда акс эттириш аҳамиятига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

**Натижалар.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда ННТда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва тугатиш жараёнлари билан боғлиқ операциялар ҳисоби борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

**Мунозара.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятининг шаклланишида, демократия қарор топишида, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоя қилинишида муҳим яратувчанлик ролини ўйнамоқда. Уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ умуммиллий ва минтақавий вазифаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Бу ҳолатни Республикаизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-

кувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 мартдан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача ошириш[4] каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол интеграциялашуви барча соҳалар каби бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам меъёрий тартибга солишининг халқаро стандартларига имкон борича яқинлаштирилган миллий тизимни барпо этиш эҳтиёжини юзага келтирди. Демак мамлакатимзда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13-апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ва 1999 йил 14-апрелдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конунларига асосан

**Нодавлат нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг мақсади** - бухгалтерия ҳисоби ва хисоботининг фойдаланувчилари (ташкилот муассислари, аъзолари, мавжуд ва потенциал донорлар, ҳамкорлари, ҳомийлари, давлат органлари ва шунга ўхшаганлар)ни ўз вақтида тўлиқ, ишончли молия-хўжалик опрерациялари асосида нотижорат ва тижорат фаолияти билан боғлиқ мақсадли маблағлар ҳаракати буйича молиявий ҳисобот тузиш ҳамда қарорлар қабул қилиш учун ҳаққоний молиявий ахборотлар билан таъминлашдан иборатdir[1].

Юқорида таъкидланган Конунларга асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг таъсисчилари

ва ташкилот ўртасидаги мулкчилик муносабатларига кўра, шунингдек фаолиятнинг аниқ мақсади ва йўналишига қараб турли шаклларда ташкил этилиши мумкин. Мулкчилилик шаклидан қатъий назар нодавлат нотижорат ташкилотлар уставидаги мақсади ва ўзаро teng боғлиқлилига қараб қуидаги тартибда ташкил этилиши мумкин.

Бугунги кунда эса бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан мулкчилик мақоми ва фаолият юритиши тубдан фарқ килувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисоби юритишининг маҳсус тизими ишлаб чиқилмаган, шунинг учун нотижорат ташкилотлари барча хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган бухгалтерия ҳисоби норматив-хуқуқий хужжатларидан фойдаланиб келмоқдалар. Ушбу ҳолат, нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ташкил этиш ва аудит текширувларини ўтказишнинг маҳсус меъёрий-хуқуқий хужжатлар ҳамда бу фаолиятга таълуқли бирламчи бухгалтерия хужжатларини ишлаб чиқиши тақозо қиласди.

Илмий тадқиқотларимиз натижаси мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлarda бухгалтерия ҳисобини янги тизимда ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда муҳим вазифаларни белгилаб олиниши лозим (1-расм).

ННТ раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиши ва бухгалтер вазифасини бажариши ҳам мумкин. Демак ННТ бухгалтери, ҳисботларни ишончлилиги ва ўз вақтида тўлиқ тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади. Агар ташкилот раҳбарининг имзоси пул маблағлари ва ҳисоб-китоб хужжатлари, молиявий ва кредит мажбуриятлари хужжатларида

мажуд бўлса, бундай ҳолларда ушбу ҳужжатлар ҳаққоний ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларнинг бажарилиши учун бухгалтер имзоси шарт эмас ҳисобланади[1].

Булардан ташқари нодавлат нотижорат ташкилотнинг филиаллари, шўба ва қарам ташкилотлари бўлса, фаолият турларига (тижорат ва нотижорат фаолиятлар аълоҳида) қараб улар хам жамланма ва консолидациялашган молиявий ҳисбот тузиш тартиби ва жавобгарлигини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

ННТ ташкилоти ҳисоб сиёсатида кўзда тутилмаган намунали шакллар, айланма ҳужжатлар қоидалари, ҳисоб ахборот маълумотларини қайта ишлаш технологияси, бухгалтерия ҳисоби ишчи ҳисобвараклар режаси, дастлабки ҳисоб ҳужжатлари шакллари акс эттирилиши лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставдаги вазифаларни бажариш билан биргаликда, қўшимча даромадлар олиш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчилик ҳужжатларида таъкиқланмаган[2].

Бунда ННТ маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар қўрсатиши билан боғлиқ харажатлари бўлса, ушбу харажатлар учун сарфланган мақсадли маблағлар ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардан сарфланганлигини тасдиқловчи бухгалтерия ҳисоби хужжатларини жамлаб бориш тавсия этилади. Ана шунда ННТда тадбиркорлик фаолиятининг ялпи фойдаси, давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган фойда(зарари) умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(зарари) ва бошқа даромадалри ва харажатлари аниқ ҳисоби юритилади.

## Нодавлат нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришдаги вазифалар

- нодавлат нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш ва уни такомиллаштириш масалаларини белгилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳисоб сиёсатини ташкил этиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганишдаги муаммоларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- миллий стандартлар асосида нодавлат нотижорат ташкилотлар даромадалари ва мақсадли тушумларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари бўйича илмий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларнинг харажатлари ҳисобини акс эттириш масалалари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларда узоқ муддатли активлар ва товар-моддий бойликлар ҳисобининг хусусиятларини ўрганиш ҳамда амалий тавсиялар бериш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ҳалқаро стандартлар асосида уларнинг ҳисоб ва молиявий ҳисботини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**1-расм: Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришдаги вазифалари<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2024.

Бизнинг фикримизча юқоридаги ҳолат бўйича нодавлат нотижорат ташкилот уставдаги асосий мақсадини амалга ошириш учун қўшимча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкин бўлсада бўлсада, аммо умумхўжалик харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаса, ННТда мана шундай тижорат ва нотижорат фаолиятни амалга оширишда иштирок этган ишчи ходимлар меҳнат ҳақи фондига караб умумхўжалик харажатлари пропорционал тақсимланиши тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan йўриқнома 21 – сонли БХМСга кўра ННТларнинг муомалалар ишчи режасига мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтариilmайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақлар киритиши тавсия этилади:

8810 – Грантлар;

8820 – Давлат томонидан берилган субсидиялар;

8830 – Аъзолик бадаллари;

8840 – Мақсадли фойдаланадиган солик имтиёзлари;

8850 – Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари;

8860 – Номоддий активлар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари;

8870 – Хайрия ва эҳсон тушумлари;

8890 – Конунчилликда кўзда тутилган бошқа мақсадли тушумлар (бу

21-БХМСдаги ҳисобварақ бўйича - бюджетда кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар хисоби учун).

Ушбу мақсадли тушумларни ННТнинг ташкил этилишида устав капитали сифатида акс эттириш учун қуйидаги шартларга жавоб бериши тавсия этилади:

а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;

б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;

в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда ажратилган грант тўғрисида хабарнома олинганда ушбу грант суммаси 8810 – “Грантлар” ҳисобварақаининг кредитида 4890 – “Бошқа дебиторларнинг қарзи” ҳисобварақаи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Грантлар суммасидан молиялаштириладиган ва бюджетда кўзда тутилган пул маблағлари ёки мулкнинг қабул қилиниши пул маблағларини ҳисобга олевчи ҳисобварақаслар (5110-5530), капитал қўйилма (0800), ўрнатиладиган ускуналар (0700), ТМЗ ва бошқа активларни ҳисобга олевчи ҳисобварақасларнинг дебетида 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” ҳисобварақаи билан боғланган ҳолда акс эттириш тавсия этилади.

Шунингдек, амалий тадиқотларимиздан келиб чиқиб халқаро ННТлар орқали чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик муомалалари амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўtkaziladi.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда 8820 - “Давлат томонидан берилган субсидиялар” ҳисобварақаи ажратилган

субсидиялар, яъни иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида белгиланган шартлар учун корхоналарга давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатилган ёрдам суммаси ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Давлат (хукумат) томонидан берилган ёрдам турли кўринишда (кўшимча бериш, субвенция ва бошқалар) бўлиши ва ҳар хил шартларга мувофиқ берилиши мумкин.

Давлат субсидияларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 октябрда 52-сон билан тасдиқланган (10-сонли БХМС) “Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиш” бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда 8830 - “Аъзолик бадаллари” ҳисобварагасида жамият аъзоларининг таъсис хужжатларида белгиланган аъзолик бадаллари акс эттирилса, аъзолик бадалларининг келиб тушиши 8830 - “Аъзолик бадаллари” ҳисобварагасининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга оловчи ҳисобварагаслар билан боғланган ҳолда акс эттирииш тасия этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумларни ҳисобга оловчи ҳисобваракалар (8800) бўйича аналитик ҳисоб мақсадли маблағларнинг йўналиши ва молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида юритиш таклиф этилади (1-жадвал).

1-жадвал

### **Нодавлат нотижорат ташкилотларда мақсадли тушумларни ҳисобга оловчи ҳисобваракаларнинг (8800)нинг бошқа ҳисобваракалар билан боғланиши<sup>2</sup>**

Т/ р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобваракаларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Ажратилган грант ва субсидиялар ҳақида хабарнома олинди	4890	8810, 8820
2	Грант ва субсидиялар бўйича маблағлар олинди	5110-5530	4890
3	Тегишли тузулмаларнинг қарорига мувофиқ берилган грант ва субсидия суммаси корхона устав капитали ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилди	8810, 8820	8310, 8320, 8330, 8420
4	Тегишли тузулмаларнинг қарорига мувофиқ илгари берилган грант ва субсидия суммаси корхона резерв капитали ҳажмини кўпайтишига йўналтирилди	8810, 8820	8530
5	Аъзолик бадаллари ва бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди	5010-5530	8830
6	Солиққа тортишдан озод қилиш натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобга олинди	6410	8840

<sup>2</sup> Муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2024.

7	Соликқа тортишдан озод қилиш бўйича имтиёзли даврнинг тугаши натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобдан чиқарилди	8840	8530
8	Бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди	5010-5530	8890

Ўзбекистондаги ННТлар фаолияти учун 8840 - “Мақсадли фойдаланадиган солик имтиёzlари” ҳисобварақасида мақсадли вазифаларни бажариш учун солик тўлашдан озод қилинган суммалар акс эттирилиши ва солик тўлашдан озод қилинган суммалар бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақасларнинг дебет томонида 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солик имтиёzlари” ҳисобварақаси билан боғланган ҳисобга олиши таклиф этлади.

Солик тўлашдан озод қилиш натижасида вужудга келган суммалар имтиёzли давр белгиланган холатда ушбу давр тутагунгача, қолган ҳолатларда ҳар йили 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солик имтиёzlари” ҳисобварақасининг дебетидан 8530 “Текинга олинган мулклар” ҳисобварақасининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” ҳисобварақасининг кредитида бошқа мақсадларга мўлжалланган тушумлар пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақалар билан боғланган холда акс эттирилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларда ийл бошида тасдиқланган режа-сметага кўра ҳаржатлар муомалаларини акс эттириш учун ҳисобварақлар ишчи режаси янги ҳисобварақа очиш лозим. Бу эса амалдаги ҳисобварақлар режасида ишлатилмайдиганлари орасида алоҳида ҳисобварақлар (бир ҳисобварақ илова ҳисобварақлари) киритилишини тавсия қилиш мумкин, дастурлар бўйича барча ҳаржатлар уларга йиғииш тавсия

этилади, масалан;

2210 – “Мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича ҳаражатлар”,

2220 – “1 – дастур бўйича ҳаражатлар”,

2230 – “2 – дастур бўйича ҳаражатлар”,

2220 - “Моддий-техник базани ривожлантириш бўйича ҳаражатлар” каби ҳисобварақаларда акс эттирилиши лозим.

ННТлар ўзи ички ҳисботлар юритишининг таркиби ва шаклларини танлаб олиши, ҳужжатлар айланишининг графигини тузиши, унда бухгалтерияга моддий ҳисботлар топширишнинг муддатини белгилаши лозим. Бухгалтерияга ҳужжатларни топшириш графиги ҳисоб сиёсатидан кўчирма сифатида мазкур жараёнда иштирок килувчи ҳар бир корхона ходимида бўлиши керак.

Юкоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлашимиз лозимки мамлакатимизда ННТларда бухгалтерия ҳисобини тубдан ислоҳ қилиниши ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини оширишилиши замонавий фуқаролик жамиятининг шаклланишида, демократия янада қарор топшида, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоя қилинишида мухим яратувчанлик ролини касб этади. ННТлари ўз фаолиятини амалга ошириш учун пул ва моддий маблағларни ҳамда бошқа манбаларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда жалб қилиши мумкин.

ННТ фаолияти қонунчилиги ва уставига зид бўлмаган ҳар қандай мулкий

муносабатларни амалга ошириш хуқуқига эга. Шунингдек, ННТ ўзининг мулкий мажбуриятлари учун қонунчилиқда ўрнатилган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Бизга маълумки, “мулкни шакллантириш” тушунчаси айнан уставда келтирилган вазифаларни бажариш харажатларига нисбатан жамғариш мақсадида маблағлардан фойдаланишни англатади. Шу билан бирга баъзи ҳолларда мулкни шакллантиришга олиб келмайдиган ҳолатлар ҳам бор(масалан конференциялар, илмий семинарлар ва бошқаларни ташкил этишини молиялаштириш), бундай ҳолатларда ННТлар ўз фаолиятларини молиялаштиришга муҳтож бўладилар. Шунинг учун биз ННТларда “мулкни шакллантириш” тушунчасини очиб беришда қандай мулклар ва унинг қайси қисми мулкни шакллантиришга йўналтирилиши мумкинлигига аниқлик киритамиз.

Ҳозирги кунда, ННТга пул тушумларини қайси вазиятларда асосий нотижорат турдаги фаолиятдан, қайси вазиятларда тадбиркорлик фаолиятиданлигини қандай аниқлаш каби муҳим масала юзага келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Фуқаролик кодексининг 43-моддасига асосан нотижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига асоан нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

2-жадвал

### **ННТ ўз таъсисчилари ва аъзоларига аъзолик бадаллари ҳисобига хизмат кўрсатиш операцияларини бухгалтерия ҳисоби акс эттириш тартиби<sup>3</sup>**

№	Ҳисоб операциялар мазмуни	Дебет	Кредит
1	ННТ аъзоларининг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари акс эттирилди	4892 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари” счёти	8830 “Аъзолик бадаллари” счёти

<sup>3</sup> Муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2024

2	ННТ аъзолари ва таъсисчиларнинг бошқа масадли бадаллари бўйича қарзлари акс қарзлар” счёти эттирилди	4895 “Бошқа мақсадли тушумлар” тушумлар бўйича	8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” счёти
3	Аъзолик бадаллари тўланиши акс эттирилди	(5000) Кассада пул маблағларини хисобга оловчи счёtlar; (5100) Хисоб-китоб счётида маблағларини хисобга оловчи счёtlar	4892 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари” счёти; 4895 “Бошқа мақсадли тушумлар пул бўйича қарзлар” счёти
4	Аъзолик бадаллари хисобига сув иштеймочилари ва сувдан фойдаланувчиларга сувбадаллари” счёти; етказиб бериш ҳамда сувхўжалиги хизматларини тушумлар” счёти кўрсатиш билан боғлик харажатлар хисобдан чиқарилди	8830 “Аъзолик 6710 “Мехнат ҳаки бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти; 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари бўйича)” счёти; (0200) Асосий воситалар эскиришини хисобга оловчи счёtlар ва бошқалар.	(1000) Материалларни хисобга оловчи счёtlar; 6710 “Мехнат ҳаки бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти;
5	Маъмурий-бошқарув ходимларига меҳнат ҳаки ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов харажатлари хисобланди	9421 “ННТнинг маъмурий харажатлари» счёти;	6710 “Мехнат ҳаки бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти; 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари бўйича)” счёти ва бошқалар.
6	ННТни сақлаш бўйича бошқа харажатлар хисобланди	9431 “ННТнинг бошқа операцион харажатлари”, счёти	6990 “Бошқа мажбуриятлар” счёти; 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар” счёти ва бошқалар.
7	ННТнинг маъмурий-бошқарув ва бошқа харажатлари хисобдан чиқарилди	8830 “Аъзолик бадаллари” счёти; 8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” счёти	9421 “ННТнинг маъмурий харажатлари» счёти; 9431 «ННТнинг бошқа операцион харажатлари» счёти

ННТ асосий (устав) нотижорат фаолиятини амалга оширганда, хусусан ННТ ўз таъсисчилари ва аъзоларига аъзолик бадаллари (ёки мунтазам мақсадли тушумлар) хисобига хизмат кўрсатганда харажатлар ва

тушумларнинг бухгалтерия хисоби 2-жадвалдаги тартибда амалга ошириш таклиф этилади. Шу муносабат билан ННТ уставида асосий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз аъзоларининг умумий манфаатларини

ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун амалга оширадиган нотижорат фаолият турлари аниқ белгиланиши лозим

Шундай қилиб, агарда ННТнинг таъсис хужжатларида мувофиқ равища аъзолик бадаллари (кириш ёки мунтазам мақсадли тушумлар) ҳисобига асосий фаолият бўйича хизматлар ҳамда бошқа устав билан боғлиқ хўжалиг хизматларини кўрсатиш ННТ обьектларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари доирасида амалга оширилиши ўрнатилган бўлса, бу ҳолда ушбу фаолият нотижорат турдаги фаолият ҳисобланади.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис хужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Агарда ННТ нотижорат фаолияти

каторида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бу ҳолда тадбиркорлик фаолиятидан даромадни акс эттириш иш, хизматларни сотищдан даромадни ҳисобга олувчи счёtlar (9030) орқали бошқа ННТлар сингари акс эттиради. Шунга эътибор қаратиш лозимки, 9030 счёtinинг кредитида ҚҚС ва акциз солиғи суммасини чегирган ҳолда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар суммаси акс эттирилади.

Масалан, ННТ уставдаги фаолияти буйича хизматлар кўrсатиш тўғрисидаги тузилган шартномага асосан ННТ аъзоси ҳисобланмаган бошқа буюртмачига 500 000 сўм (ҚҚС билан) ҳақ эвазига хизмат кўrсатди. Хизмат таннархи 200 000 сўм, 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган [7]. Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қўyидаги 3-жадвалдаги тартибда акс эттириш тавсия этилади:

#### “ЎзЛиДeP” ташкилти уставдаги фаолияти буйича аъзоси ҳисобланмаган бошқа буюртмачига хизматлар кўrсатиш операцияларини акс эттириш тартиби<sup>4</sup>

Ҳисоб операциялар мазмуни	Дебет	Кредит
500 000 сўмлик 100 % олдиндан тўлов олинди	5110 “Ҳисоб-китоб счёti” счёti	6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар” счёti
Хизматни сотиши акс эттирилди	4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlar”, счёti (500 000 сўм, (ҚҚС билан))	9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўrсатишдан даромадлар” счёti (400 000 сўм, (ҚҚСиз)) 6410 “Бюджетга тўловлар буйича қарзлар (турлари буйича)” счёti (100 000 сўм ҚҚС суммаси)
Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ҳисобланди	9430 “Бошқа операцион харажатлар” счёti	6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари буйича)” счёti

<sup>4</sup> Муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2024

500 000 сўм бўнак ҳисобга олиниши акс эттирилди	6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар” счёти	4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар” счёти
200 000 сўм бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи акс эттирилди	2010 “Тадбиркорлик фаолияти бўйича асосий ишлаб чиқариш” счёти	Материалларни ҳисобга оловчи счёtlар (1000); 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”
200 000 сўм бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”, счёти	6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар (турлари бўйича)” счёти; (0200) Асосий воситалар эскиришини ҳисобга оловчи счёtlар ва бошқалар.
Ҳисобот даври охирида 9030 счётининг ёпилиши амалга оширилди (40 000 сўм)	9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счёти	2010 “Тадбиркорлик фаолияти бўйича асосий ишлаб чиқариш” счёти
Ҳисобот даври охирида 9130 счётининг ёпилиши амалга оширилди (200 000 сўм)	9910 “Якуний молиявий натижা” счёти	9910 “Якуний молиявий натижা” счёти
9030, 9130 счёtlариг ёпилгандан кейин 9910 счётининг қолдиғи хизмат кўрсатишдан молиявий натижани кўрсатади – 300 000 сўм		
Фойда солиғи ҳисобланди	9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”, счёти	6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карзлар (турлари бўйича)” счёти
Ободонлаштириш ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланди	9820 “Фойдадан ҳисобланган солиқлар ва мажбурий бўйича счёти	6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карзлар (по налогу на благоустройство и развитие инфраструктуры)” счёти
9810,9820 счёtlарининг ёпилиши	9910 “Якуний молиявий натижা” счёти	9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти; 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар” счёти
9910 счётининг қолдиғи ҳисббот даври учун ННТнинг тадбиркорлик фаолиятидан соғ фойдасини акс эттиради		

9910 “Якуний молиявий натижа” счётининг ёпилиши	9910 “Якуний молиявий натижа” счёти	8710 “Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти
ННТнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойдасини мақсадли тушумларни хисобга олувчи счёtlар ўтказилди	8710 “Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти	8880 “Уставдаги фаолият билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган тушумлар” счёти

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиби олинган фойда ННТнинг ўз устав нотижорат фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилар экан, 9910 счёти қолидигини ишчи счёtlар режасида кўзда тутилган мақсадли тушумлар счётига, масалан, 9370 “ННТ уставдаги асосий вазифаларни бажаришда тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар” счётига ўтказиш таклиф этилади. ННТ хисобот даври фойдасининг бир қисмини келгуси даврларда юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга қолдириши мумкин [9]. Фойдани ишлатиш тўғрисида қарорни ННТнинг бошқарув органи раҳбарияти баённома кўринишида расмийлаштирилган ҳолда қабул қилиш тавсия этилади.

Агарда ННТ тадбиркорлик фаолияти натижасида зарар кўрган бўлса, 9910 счётининг дебет қолидигини мақсадли тушумларни хисобга олувчи счёtlарга ўтказишга йўл қўйилмайди. Чунки бу ҳолат молиялаштириш маблағларини мақсадсиз ишлатиш деган маънони беради. ННТда шубҳали дебиторлик қарзлар юзага келганда уни буюртмачидан олиш чораларини кўриш зарур. Шубҳали қарз белгиланган муддатда тўланмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебиторлик қарзи хисобланади.

**Нодавлат ташкилотларининг нотижорат филиал ва**

**шўйбалари** билан хисоблашишлар тартиби ва унбади муаммоларга батафсил тўхталиб ўтамиз. ННТ фаолиятини ўзи жойлашган ердан ташқарида ташкил этиш бир қанча ҳолларда ўз фаолиятини бошқа минтақаларда амалга ошириш имкониятини берадиган муайян шартшароитларини талаб қиласи. Фуқаролик қонун хужжатлари юридик шахс ўзи жойлашган ердан ташқарида фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган иккита ҳуқуқий шаклни кўзда тутади - булар филиаллар ва ваколатхоналардир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 47-моддаси ва ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига мувофик, нотижорат ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш ҳуқуқи берилган[10].

ННТ филиали муайян худудда, қоида тариқасида, юридик шахснинг ўзи жойлашган ердан ташқарида юридик шахснинг вазифаларини бажаришга мўлжаллангандир. Алоҳида ҳолларда, кўп сонли аҳолига ва катта худудга эга бўлган йирик аҳоли пункти ҳақида сўз боргандা, масалан Тошкент шаҳрида, бир шаҳар доирасида филиаллар ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахснинг барча вазифаларини бажарадиган филиалдан фарқли равища, ваколатхона, ўз номидан келиб чиққанидек, юридик

шахсга хос бўлган вазифалардан фақат биттасини, нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалаш ва уларни ҳимоя қилишни амалга оширади. Ваколатхона - фуқаролик хуқуқи институтидир ва шу сабабли юридик шахснинг тегишлича алоҳида бўлинмаси ташкилотнинг фуқаролик-хуқукий тартибга солишга қамраб олинадиган манфаатларини ифодалashi ва ҳимоя қилиши мумкин.

ННТларнинг шуъба корхоналарига нисбатан солиққа тортиш бўйича мавжуд имтиёзлар ва ННТлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганларида кўшимча имтиёзлар мавжуд эмаслиги ҳисобга олинса, устав фаолиятини молиялаш учун ННТларнинг шуъба ташкилотларини тузиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

ННТларнинг филиал ва шуъба ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари тахлил қилиб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ННТ фаолиятини ўзи жойлашган ердан ташқарида ташкил

этиш бир қанча ҳолларда ўз фаолиятини бошқа минтақаларда амалга ошириш имкониятини берадиган муайян шартшароитларини талаб қиласди. Фуқаролик қонун хужжатлари юридик шахс ўзи жойлашган ердан ташқарида фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлган иккита хуқуқий шаклни кўзда тутади - булар филиаллар ва ваколатхоналардир. Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига мувофиқ [4], нотижорат ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш хуқуқи берилган.

Илмий тадқиқотимиз натижасида ННТлар хўжалик фаолиятида алоҳида ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоблашишларни аниқ бухгалтерия ҳисобини юритиш учун 4100-“Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёт”и таркибида синтетик ва аналитик баланс счёtlарини очишни таклиф этамиз (4-жадвал).

4-жадвал

#### **ННТ филиал ва шуъба ташкилотлари билан ҳисоблашишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича счёtlар<sup>5</sup>**

<b>4100</b>	<b>Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёtlар</b>	<b>A</b>
4110	Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счёtlар	
4120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёtlар	
4121	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан уставда белгиланган мажбурий тўловлар олиш	
4122	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан мақсадли дастурда иштироки бўйича тўловлар олиш	
4123	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ривожлантириш дастури бўйича тўловлар олиш	
4129	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан бошқа ҳисоблашишлар бўйича тўловлар олиш	

<sup>5</sup> Муаллиф илмий изланишлари, 2024й.

Шу тариқа, филиал муайян худудда, қоида тариқасида, юридик шахснинг ўзи жойлашган ердан ташқарида юридик шахснинг вазифаларини бажаришига мўлжаллангандир. Алоҳида ҳолларда, кўп сонли аҳолига ва катта худудга эга бўлган йирик аҳоли пункти ҳақида сўз борганда, масалан Тошкент шаҳрида, бир шаҳар доирасида филиаллар ташкил этилиши мумкин.

ННТларнинг шуъба корхоналарига нисбатан солиққа тортиш бўйича мавжуд имтиёзлар ва ННТлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганларида кўшимча имтиёзлар мавжуд эмаслиги ҳисобга олинса, устав фаолиятини молиялаш учун ННТларнинг шуъба корхоналарини тузиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. ННТ амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш ва филиал ҳамда шуъбалари билан ҳисоблашишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун маҳсус аналитек счёtlар очиш таклиф этилади(4-жадвал).

ННТ аъзолик бадаллари ҳисобига шуъба ташкилоти устав капиталининг шаклланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттириш таклиф этилади:

*Пул маблағлари билан шакллантириша;*

Дт 0620 “Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”

Кт 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобвараги”

*Асосий воситалар билан билан шакллантириша;*

Дт 0620 “Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”

Кт 0100 “Асосий воситаларни ҳисоб қилиш ҳисобвараклари” ва шундай тартибда бошқа активлар бирилиши мумкин.

ННТ маҳсус ишчи счёtlар режасида шуъба тузилмалар билан ҳисоб- китоблар

иккита счётда ҳисобга олиш тавсия этилади:

Актив - 4120-ҳисобварак “Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёtlар”

Пассив - 6120-ҳисобварак “Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар”

Шунингдек, ҳисоб-китоб амалда бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китобдан фарқ қилмайди. Шуъба корхонанинг ҳар қандай дебиторлик қарзи 4120-ҳисобваракда, кредиторлик эса 6120-ҳисобваракда ҳисобга олинади.

Амалиёт обеъкти сифатида олинган “ЎзЛДП” ташкилотининг шуъбасининг хизматларни бажарилишини ифодаланиши:

Дт 4120 “Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёtlар”

Кт 9030 “Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

Ёки, масалан, шуъба корхонадан қурилиш материаллари олинишининг ифодаланиши:

Дт 1050 “Қурилиш материаллари”

Кт 6120 “Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар”

Лекин, шуъба тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва фақат устав мақсадларни бажаришга ишлатилиши керак бўлган даромадлари **мақсадли тушумлар** сифатида акс эттирилади ва солиқ солиниши объекти бўлиб ҳисобланмайдилар:

Дт 5110 “Ҳисоб-китоб” счёти

Кт 8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” счёти

ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулландиган шуъба корхоналари билан бир қаторда уставдаги нотижорат фаолиятини кенгайтириш учун филиаллар тузиши ҳам мумкин.

Юридик шахс бўлган (нотижорат



ташкилотлари учун шундай имконият кўзда тутилган) филиаллар билан ўзаро муносабатларни ҳисоб-китоб қилиш шуъба корхоналари билан ҳисоб-китоб қилишга айнан ўхшаш бўлиб 4120 - “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёtlar” ва 6120 - “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlar”ида акс эттириш тавсия этилади.

Филиаллар билан ҳисоб-китоб турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бош ННТга мажбурий тўловлар,
- алоҳида дастурлар бюджетларига мувофиқ ННТ устав фаолиятида филиалларнинг иштироки бўйича,
- ННТ ривожланиши доирасида филиалларни моддий ресурслар билан таъминлаш бўйича.

ННТда ҳисобнинг таҳлилийлигини таъминлаш мақсадида филиаллар билан ҳисоб-китобларни уларнинг йўналишларига қараб табақалаштириш тавсия этилади.

Агар ННТ алоҳида балансга ўтказилмаган лекин, олиб борилаётган хўжалик операцияларини мустақил ҳисоб-китоб қиласиган ва ННТ бухгалтериясига якунланмаган баланс тақдим этадиган филиаллар (бўлимлар)га эга бўлса баланс ичидаги ҳисоб-китобларни улар учун маҳсус мўлжалланган ҳисобваракларда юритиш мақсадга мувофиқидir:

4110 “Алоҳида ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобвараклар” актив счёtlарда;

6110 “Алоҳида ажратилган бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобвараклар” пассив счёtlарда.

ННТлар хусусиятига қараб 4110 ва 6110 счёtlарида таҳлилий ҳисоб-китоб

4120 ва 6120 ҳисобвараклари бўйича кўрсатилганига ўхшаш тарзда ташкил қилинади.

ННТ тўғрисидаги Конуннинг 9-моддасига мувофиқ чет эл ва халқаро ННТ филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахслар бўлиши керак [3], Ўзбекистон Республикасининг нотижорат ташкилотлари учун эса бу зарурий шарт эмас деб қарашиб тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси ННТларининг ликвидация қилиш тартиби ва қолган мулкларни бошقا ННТга бериш операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муаммолари қонунчилик доирасида тўлиқ ўз ечимини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конуннинг 36-моддасига мувофиқ ННТни тугатиш тартиби куйидагича келтирилган:

ННТнинг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласиган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди. Шунингдек ННТни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади [9].

ННТни тугатиш тўғрисидаги ёзув уни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органи томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тавсия этилади:

-нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий

равища тутатилаётган тақдирда);

-тегишли органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тутатиш тўғрисидаги қарори;

-нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ва бошқа таъсис хужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

-тутатиш баланси ёки топшириш хужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддаси 9-бандига мувофиқ “Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланилади” деб келтирилган. Қолган мулк ким томонидан ва кимга тақсимланиши ҳолатига “ННТ тўғрисидаги” Қонунга аниқлик келтирилмаган.

ННТни тутатилишдан қолган мулкларидан фойдаланиш тартиби Қонунчилик доирасида ишлаб чиқилмаган. Бунинг учун қўйдагиларни асос қилиб олишни таклиф қиласиз. ННТ тутатилишида барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг, қолган мулклари ННТнинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) нодавлат нотижорат ташкилотини тутатиш тўғрисида якуний қарори асосида ўз ихтиёри билан устав фаолиятдаги йўналишлари (ёки шунга ўхшаш) бир хил бўлган бошқа ННТга тақсимланишини тавсия этамиз.

Ўзбекистондаги ННТлар учун бу опреациялар бухгалтерия ҳисобида қўйдаги ёзувларда акс эттириш таклиф

этилади:

Дт 8800 “Мақсадли тушумлар ҳисобга оловчи счёtlar”

Дт 8850 “Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари”

Дт 8860 “Номоддий активлар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари”

Дт 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

Дт 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга оловчи счёtlar”

Дт 0500 “Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга оловчи счёtlar” (молиялаштирилиш манбалари қайси бир счёtlарда акс эттирилишига қараб)

Дт 0990 “Бошқа узоқ муддатли кечикирилган харажатлар” (асосий воситларни амортизация ажратмаларидан тортиб қайта баҳоланишигача бўлган қисмида);

Кт “Мулкларни ҳисобга оловчи счёtlar” (0100, 0400, 1000) орқали ҳисобга олиш тавсия этилади. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда зид бўлмаган ҳолда маҳаллий ва халқаро статусдаги бошқа ННТлар фаолиятини молиявий қўллаб-куватланишига эришилади.

**Хулоса.** Ушбу мақоламизда нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолиятини ташкил этиш, филиал ва шўйбалари билан ҳисоблашишлар тартиби ва уларни тутатиш жараёнлари операциялари ҳисобини такмиллаштириш муаммолари ҳамда уларнинг учимлари атрофлича ёритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ННТ активлари аудитини такомиллаштириш юзасидан қуйидагича таклиф ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир:

1. ННТлар ўз устав фаолиятини

ташкил этишида нотижорат лойиҳаларнинг харажатларини мақсадли ҳисобга олиш хусусиятлари очиб бериши ва харажатлар қоплашда унинг молиялаштириш манбасига кўра ҳисобдан чиқарилиши таклиф этилади.

2. Агарда ННТда тижорат фаолияти доирасида лойиҳалаштирилган ишлар бўйича умухўжалик харажатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, сабаби лойиҳа қанчалик бажарилишига қараб харажатлар teng тақсимлаш лозим, шунингдек, лойиҳа бир йилдан узокроқ муддатга давом этиши ва кейинги йиллар бошида лойиҳада асосий штатдаги ишчиларнинг барчаси тўлиқ иштирок этиши ёки этмасилигини мунтазам мониторинг қилиб бориши тавсия этилади.

3. Бош ННТлар берадиган мол-мулклар филиалр ва ваколатхоналар фаолиятининг моддий базаси ҳисобланади. Ушбу мол-мулклар филиал ёки ваколатхонанинг алоҳида балансида ҳамда бош ННТнинг балансида ҳам ҳисобга олиниши тавсия этилади.

4. ННТлар тугатилишида барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг, қолган мулклари ННТнинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида якуний қарори асосида ўз ихтиёри билан устав фаолиятдаги йўналишлари (ёки шунга ўхшаш) бир хил бўлган бошқа ННТга тақсимланишини тавсия этилади.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган муаммоларнинг бартараф этилиши ННТлар фаолиятини тартибга соловучи норматив-хуқуқий хужжатларнинг янада такомиллашувига хизмат қилиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, филиал ва шўйбалари билан

ҳисоблашишлар тартиби ва уларни тугатиш жараёнини бухгалтерия ҳисобида шаффооф акс эттирилишига имконият яратилади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ №404-сон, 2016 йил 13 апрель. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 14 апрелдаги 73 (6508)-сони.
2. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ти Қонуни, №763-I сонли 14.04.1999 йил.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston-2030» strategiyasi to‘g’risida PF-158-son farmoni. 11.09.2023y.
4. «Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, хуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5012-сон Қарори, 03.03.2021й.
5. Гусарова Л.В. Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Казань. Ёшкор-Ола, 2010. – 36 стр.,
6. Батурина М.В. Бухгалтерский учет целевого капитала НКО.(Журнал «Финансовые и бухгалтерские консультации», №5, май 2007 г.
7. Hojiyev M.S. “Accounting in non-state non-profit organizations (NSNPO): integrity and impactanalysis”. International Journal of Economics, Commerce and Management. ISSN 23480386. Vol VI issue 2 (Impact Factor:4.313). 2018/page79-85 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2018/02/626.pdf>. 2018.
8. Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance and Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/<https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587/>
9. Хожиев М.С. «Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш». иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2019й. 57 б.
10. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. <http://minjust.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг йиллик ҳисоботи, 2021 йил